

ПУДРАТ ШАРТНОМА

(Халқ таълим бўлимга қарашли 22-сонли умум ўрта таълим мактабини том қисмини жорий таъмирлаш ишларини)

2022 й. «29» 6

2022-110-11-165-ХТ-сон

Ёзёвон туман

Ёзёвон Халқ таълим бўлими Буюртмачи деб юритувчи номидан мудир: **Ф.Юлдашев**. биринчи томондан, «Бахромов СХК» ХК “Пудратчи” деб юритувчи, уни бошлиги С.Х.Бахромов иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартнома туздилар,

1. Шартнома предмети

1.1 Пудратчи ўз зиммасига Буюртмачининг топширига кўра ўз материаллари ёки Буюртмачининг материалларидан фойдаланиб Халқ таълим бўлимга қарашли **22-сонли умум ўрта таълим мактабини том қисмини жорий таъмирлаш** ишларини бажаришни, буюртмачи эса бу ишларни қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади,

2. Шартнома баҳоси

2.1 Шартнома 36 521 739,14 (ўттиз олти миллион беш юз йигирма бир минг етти юз ўттиз тўққиз сўм ўн тўрт тийин) ҚҚС суммаси 5 478 260,86 (Беш миллион тўрт юз етмиш саккиз минг икки юз олтмиш сўм саксон олти тийин) ташкил этади. Жами шартнома суммаси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 42 000 000 (Қирқ икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2 Шартнома баҳоси ўз ичига лойиха смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажаришни олади.

2.3 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.4 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.5 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш;

- барча ишларни мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;
- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига шартнома шартларида белгиланган тартибда аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. Тўлов шартлари

5.1 Бажариладиган ишлар кийматининг 30 фоизи миқдориди БУЮРТМАЧИ томонидан олдиндан ПУДРАТЧИ ҳисоб-рақамига ўтказиб берилади,

5.2 Бажарилган таъмирлаш ишлари пудрачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда калькуляция асосан бажарилган қурилиш монтаж ишларига ҳисоб-китоб маълумотномаси тақдим этилади,

5.3 Шартнома бўйича охириги ҳисоб-китоб иш тўлиқ тамомлангандан кейин буюртмачи томонидан амалга оширилади,

6. Ишларни бажариш муддати

5.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

5.2 Пудратчи мазкур шартномани 5.1 бандига асосан биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3 Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

5.4 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

5.5 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш унга ўз муддатида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун

мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.3 Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

7.5 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

7.6 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7.7 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1 Тарафларни бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган уларни олдиндан кўра бўлиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва ҳолатлар, уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блакада, эмбарго, ер кимираши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

8.2 Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид ёки бошқа ваколатли органлар томондан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

8.3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

8.4 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, буюртмачи ва пудратчилар бошқа тарафга хабар бериш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

9.2 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий судида қурилишга тегишли бўлади.

10. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

10.1 Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

10.2 Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш амалга оширилиши мумкин.

10.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли.

-Пудратчининг айби билан ишларнинг тамом бўлиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда

10.4 Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларининг бориши бир ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда:

-Буюртмачи томонидан лойиха ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши билан боғлиқ ҳолда ишларнинг баҳоси 20 фоиздан камайганда:

-Буюртмачи томонидан кейичалик таъмирлаш ишларни молиялаштириш имконияти йўқотилганда:

10.5 Буюртмаси ва Пудратчининг Биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса Пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажмини қийматини тўлайди.

10.6 Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

10.9 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилади ва Ёзёвон туман Юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса олиниб, Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилиб, тарафлар томонидан имзолаган кучка қиради.

11. Тарафларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари (маълумотномалари)

“ БУЮРТМАЧИ “

Ёзёвон туман Халқ таълим бўлими
Манзил: Ёзёвон туман Ёзёвон мфй
ОКОНХ: 84112
ИНН: 200169764
ШХ/Р:100022860302427092100075039
Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Х/Р:23402000300100001010
ИНН:201122919
Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
МФО:00014

Рахбар: _____ Ф.Х.Юлдашев



“ ПУДРАТЧИ ”

« Бахромов СХК » ХК
Манзил; Фаргона ш Ойбек кучаси 18/14
х/р: 20208000100216446001
ОКОНХ: _____ ИНН: 200146287
МФО:01142
Банк: “ Мададинвест банк ”

Рахбар _____ С.Х.Бахромов.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
TALABLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№ VS83128800

1. Loyi haning turi: Pudrat shartnomasi.
2. Loyi haning nomi: Pudrat shartnomasi to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:
Yozyovon tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 vil 27 iyun kuni "E-huquqshunos" elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.
4. Loyiha bo'yicha taklif:
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yozyovon tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



A.A.Gulamov
28.06.2022

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 107835 на приобретение Энг Яхши таклифларни танлаб олиш 22 мак

Способ проведения электронный

Дата 27.06.2022

Время рассмотрения 27.06.2022 21:21

Конкурсная комиссия Халк таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHEV FOZILJON XAYDAROVICH	Рахбар	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	ERGASHEV UMIDJON XUDOBERDIYEVICH	бош хисобчи ёрдамчиси	5
Член комиссии	ISMOILOV NODIRBEK ERKINJON O'G'LI	Mutaxasis	Роль члена комиссии
Член комиссии	MO'MINJONOV FURQATJON RAXIMJONOVICH	Бош бугалтер	4
Член комиссии	TURDIYEV UMIDJON TURDALIYEVICH	Инженер	1
Член комиссии	DARMONOV KARIMBERDI SHADMONOVICH	бош иктисодчи	3

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.06.2022 года № лота 107835.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Жорий таъмирлаш учун
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	44 932 171.00
Стартовая сумма	44 932 171.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: солик банк ва бошка мажбурий туловлардан карздорлики мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома. Кайси турдаги солик туловчи эканлиги хакида маълумотлма такдим этиши талаб этилади.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE	10	40000000	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ						
BAXROMOV SXK XK	10	42000000	7	Экспертная		

Критерий №2 механизм

Тип: Текстовое значение

Описание: балансида машина ва механизмлар мавжудлиги ва малакали инжинер, техник ходимлар мавжудлиги тугрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	10	40000000	6	Экспертная		
BAXROMOV SXK XK	10	42000000	7	Экспертная		

Критерий №3 кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган объектда 12 ой давомида дефект аникланса пудратчи уз хисобидан бартаараф килиб бериши тугрисида кафолат хати тақдим килади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	10	40000000	6	Экспертная		
BAXROMOV SXK XK	10	42000000	6	Экспертная		

Критерий №4 Солиқдан Банкдан қарздорилиқ йуқлиги ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан Банкдан қарздорилиқ йуқлиги ҳақида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	10	40000000	6	Экспертная		
BAXROMOV SXK XK	10	42000000	8	Экспертная		

Критерий №5 Ишчи ходимлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Тадбиркор қаида 5 та ишчи ходими тугрисида солиқ маълумотлари ҳамда ПНФЛ га тушган охириги 1 йиллик маълумотлар тақдим килиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	10	40000000	5	Экспертная		
BAXROMOV SXX XK	10	42000000	7	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
BAXROMOV SXX XK	44 932 171.00	42 000 000.00	22.06.2022 10:23:31	19.05
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	44 932 171.00	40 000 000.00	21.06.2022 13:57:35	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
BAXROMOV SXX XK	56	19.04762	75.04762
YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ	44.8	20	64.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 107835 от 27.06.2022 года на приобретение Энг Яхши таклифларни танлаб олиш 22 мак определила победителем:

BAXROMOV SXX XK
200146287

и резервный исполнитель: YODGORALI QURULISH MONTAJ SERVICE MCHJ (307382589)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	TURDIYEV UMIDJON TURDALIYEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	YULDASHEV FOZILJON XAYDAROVICH	Согласен	
Член комиссии	ISMOILOV NODIRBEK ERKINJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MO'MINJONOV FURQATJON RAXIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	DARMONOV KARIMBERDI SHADMONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



ҲАСЛИҚЛАЙМАН
Ёзёвон тумани Халқ таълими бўлими
мудирини Ф.Юлдашев
« 29 » 06 2022 йил

«Фаргона вилоят Ёзёвон туман Халқ таълими бўлими 22 мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича энг яхши таклифни танлаш ҳақида мажлис.

№- 1 СОНЛИ БАЁНИ

2022 йил « 29 » 06

Ёзёвон т.

Танлов ўтказиш тўғрисида 2022 йил « 05 » 01 кунги 2 -сонли буйруғи

Танлов хайъати раиси:

Ёзёвон туман халқ таълими бўлими мудирини:

Ф.Юлдашев

Танлов хайъати аъзолари:

Бош ҳисобчи:

Ф.Мўминжонов

Бош иқтисодчи:

К.Дармонов

Эксплуатация бўлими бошлиғи:

У.Турдиев

Эксплуатация бўлими мутахасис:

Н.Исмоилов

Котиб:

У.Эргашев

Кун тартиби:

1. Ёзёвон туман Халқ таълими бўлими 22 мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича энг яхши таклифни танлаш ҳолибини аниқлаш.

2. Буюртмачи томонидан тайинланган баҳолаш комиссияси берилган ҳужжатларни талаб этилган ихтисослик бўйича кўриб чиқади ва анализ қилади, берилган таклифларга техник баҳо беради ва эркин танлов савдоси ҳолибини аниқлайди.

3. Халқ таълими бўлими 22 мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича ишларини куйидаги ташкилотлар савдода катнашиш учун уз таклифлари беришган:

1. «Бахромов СХК» Х.К
2. «Ёдгорали Курилиш монтаж сервис» МЧЖ

Ташкилот номидан куйидаги жавобгар шахслар катнашишди:

1. «Бахромов СХК» Х.К

рахбари: С.Х.Бахромов.

2. «Ёдгорали Курилиш монтаж сервис» МЧЖ

рахбари: Ш.Маткаримов

4. Ёзёвон туман Халқ таълими бўлим 22 мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича берилган таклифларни кўриш давомида Таклиф берган ташкилотлардан 2 кун муҳокама даврида ҳеч қандай эътироз бўлмади Буюртмачи ва баҳолаш комиссиясининг фикрлари эшитилди ва муҳокамадан сўнг танлов хайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ.

1. Ёзёвон туман Халқ таълими бўлими 22 мактабни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун «Бахромов СХК» Х.К барча Солиқлар билан кўрсатилган суммаси 42 000 000 (Кирик икки миллион) сўм ва бажариш муддати 20-кун мобайнида таклифи тўғри деб топилсин ва энг яхши таклифни танлаш ғолиби деб тан олинсин.
2. Шартнома (Контракт) тузиш ва кейинги савдоларнинг ечимини хал қилиш учун Буюртмачи «Бахромов СХК» Х.К таклиф этади.

энг яхши таклифни танлаш натижалари аниқланди, хайат аъзоларига овоза қилинди ва баён тузилиши тўғри деб топилди.



Танлов хайъати раиси:

Ёзёвон туман халқ таълими бўлими мудир:

Ф.Юлдашев

Танлов хайъати аъзолари:

Бош ҳисобчи:

Ф.Мўминжонов

Бош иқтисодчи:

К.Дармонов

Эксплуатация бўлими бошлиғи:

У.Турдиев

Эксплуатация бўлими мутахасис:

Н.Исмоилов

Котиб:

У.Эргашев